

TOSHKENT HAQIQATI

viloyat ijtimoiy-siyosiy gazetasi

2026-yil
29-iyul
CHORSHANBA
№ 60 (13921)

1928-yil 11-dekabrda asos solingan

@haqiqatonline_24

Haqiqat online

haqiqatonline_

ТЕМИР ЙЎЛ БЎЙЛАРИ: ХУДУДЛАР ТАРАҚҚИЁТИ ВА ОБОДЛИГИНИНГ КЎЗГУСИ

Ободлик ва фаровонлик аввало инсон яшайдиган муҳитдан бошланади. Кўча ва маҳаллаларнинг озодалиги, ҳудудларнинг кўркемчилиги, аҳолидаги яратувчанлик руҳи жамият тараққиётининг муҳим мезонларидан бири ҳисобланади. Шу боис мамлакатимизда кейинги йилларда аҳоли яшаш манзилларини обод қилиш, маҳаллалар инфратузилмасини яхшилаш, экологик муҳитни янада соғломлаштиришга қаратилган кенг қўламли ишлар изчил давом эттирилмоқда.

▼ Долзарб 40 кунлик

Жорий йилнинг 21 июль куни Ўзбекистон Республикаси Президенти раислигида ҳудудлар ва тармоқларда иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлаш бўйича биринчи ярим йиллик якунлари ҳамда йил якунига қадар амалга оширилиши лозим бўлган устувор вазифалар муҳокамасига бағишланган видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди. Унда ҳудудлардаги мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиш, аҳоли учун қўлай шарт-шароитлар яратиш, маҳаллалар ободлиги ва ҳудудларнинг санитария ҳолатига алоҳида эътибор қаратиш бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилди.

2

ЛОГИСТИКА, ИНВЕСТИЦИЯ ВА ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАР

Тошкент вилояти ҳокими Зойир Мирзаев Беларусь Республикасининг таниқли тадбиркори, халқаро божхона-логистика йўналишидаги йирик бизнес ташкилотчиси, «Bremino Group», «Ruzekspeditsiya», «VLATE Logistik» ва «SOHRA gr.» компаниялари таъсисчиси ҳамда бошқарувчи ҳамкори, Замбиянинг Беларусь Республикасидаги Фахрий консули Александр Зайцев билан онлайн мулоқот ўтказди.

▼ Ҳамкорлик

Мулоқот давомида икки томонлама савдо-иқтисодий ҳамкорлиқни ривожлантириш, транспорт-логистика тизимида янги лойиҳаларни амалга ошириш ҳамда ҳудудлар ўртасида ўзаро манфаатли алоқаларни кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди.



Хусусан, Тошкент вилоятида замонавий темир йўл логистика марказларини ташкил этиш, юк ташиш йўналишларини ривожлантириш, халқаро транспорт йўлакларидан самарали фойдаланиш бўйича таклифлар кўриб чиқилди.

Шунингдек, томонлар қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари савдосини ривожлантириш, хусусан, гўшт ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотларини етказиб бериш ҳамда сақлаш тизимини такомиллаштириш масалаларини муҳокама қилдилар. Шу мақсадда Тошкент вилоятида замонавий совутичли омборхоналар ва сақлаш мажмуаларини барпо этиш истиқболлари кўриб чиқилди.

Мулоқотда саноат кооперацияси, жумладан, мебель ишлаб чиқариш йўналишида ҳам ҳамкорлиқни йўлга қўйиш, Беларусининг илғор тажрибаси ва технологияларини ҳудуддаги ишлаб чиқариш жараёнларига татбиқ этиш имкониятларига алоҳида эътибор қаратилди.

Александр Зайцев бошчилигидаги компаниялар халқаро логистика, божхона хизматлари ва савдо инфратузилмаси соҳасида катта тажрибага эга экани қайд этилиб, ушбу йўналишларда қўшма лойиҳаларни амалга ошириш икки томон учун ҳам манфаатли экани таъкидланди.

Учрашув якунида томонлар ўзаро ҳамкорлиқни мустаҳкамлаш, инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш ва тадбиркорлик субъектлари ўртасидаги алоқаларни кенгайтириш бўйича келгусидаги ишларни давом эттиришга келишиб олдилар.

Тошкент вилояти ҳокимлиги
Ахборот хизмати

ҲАМЖИХАТЛИК ТАРАННУМИ

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 35 йиллиги ҳамда 30 июль – Халқлар дўстлиги куни муносабати билан Тошкент вилоятида «Дўстлик» фестивали юқори савияда ўтказилди. «Ягона Ватан, ягона халқ бўлиб, янги ҳаёт ва келajak яратамиз!» бош ғояси остида ташкил этилган мазкур фестиваль халқимизнинг кўп асрлик бағрикенглик анъаналари, турли миллат ва элат вакиллари ўртасидаги ўзаро ҳурмат, аҳиллик ва ҳамжиҳатлик муҳитини яна бир бор ёрқин намоён этди.

▼ Шукур



2

ҲАР БИР МУРОЖААТ – ЭЪТИБОРДА

Куни кеча Бош вазир ўринбосари – Оила ва хотин-қизлар қўмитаси раиси Дилноза Каттахонава Ўрта Чирчиқ туманида бўлиб, хотин-қизлар ва оилаларнинг муаммоларини ўрганди.



Дастлаб «Ўчоқли» маҳалласидаги Ижтимоий интеграция маркази фаолияти билан танишилди. Учрашув давомида қаровсиз қолган, ҳуқуқбузарлик содир этган болаларни 6 ой, 1 йилдан сўнг ўз оиласига, соғлом муҳитга қайтариш учун оила, маҳалла, таълим муассасалари ва мутахассислар ҳамкорлигида зарур чора-тадбирлар ишлаб чиқиш вазифаси белгиланди.

Шунингдек, «Ровотак» маҳалласида яшовчи З.Назарованинг кўз жарроҳлиги ҳамда «Адолат» маҳалласида истиқомат қилувчи Д.Усмонованинг эндопротез

амалиётини қисқа муддатларда ташкил этиш бўйича Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан ҳамкорлигида зарур чоралар белгиланди.

Шу куни «Адолат» маҳалласида яшовчи, ўзи ва турмуш ўртоғи II гуруҳ ногиронлиги бўлган Т.Бозорова хонадониди ҳам бўлиб, яшаш шароитлари ўрганилди. Ҳозирда уларнинг уйи ўзлари эркин ҳаракатланишлари учун мослаштирилмоқда. Бунинг учун 60 миллион сўм маблағ ажратилди.

Бундан ташқари, Т.Бозоровани қизиқишидан келиб чиқиб тикувчилик касбияи ўқитиш ва

▼ Ижтимоий ҳимоя

барқарор даромад манбаига эга бўлиш учун масъулларга аниқ топшириқлар берилди.

Ўрганилган барча масалалар мутасадди ташкилотлар билан биргаликда алоҳида назоратга олиниб, уларни босқич-ма-босқич ҳал этиш бўйича амалий ишлар давом эттирилади.

Ташриф якунида Бош вазир ўринбосари Қорасув канали бўйида Президентимиз ташаббуслари асосида ташкил этилган «Соҳил бўйи сайилгоҳи»даги бунёдкорлик ишлари билан танишиди.

Viloyat bo'ylab

Ijtimoiy himoya milliy agentligi TOSHKENT viloyati boshqarmasi hududida barcha fuqarolar, jumladan, nogironligi bo'lgan shaxslar uchun qulay sharoitlar yaratilgan zamonaviy inklyuziv maydon tashkil etildi. Mazkur maydon o'ziga xos inklyuziv maskan bo'lib, bu yerda fuqarolar mazmunli vaqt o'tkazishi, dam olishi, jismoniy mashqlar bilan shug'ullanishi mumkin.

Unda Yangi O'zbekistonda vakillik organlari faoliyatini yanada takomillashtirish, parlament va mahalliy Kengashlar o'rtasidagi hamkorlik mexanizmlarini mustahkamlash, qonun ijodkorligi hamda parlament nazorati samaradorligini oshirish, hududlarda aholini qiyinayotgan muammolarni hal etishda deputatlik korpusining o'zaro hamjihatligini kuchaytirish masalalari muhokama qilindi.

VILOYAT tuman va shahar hokimlari yaqinda foydalanishga topshirilgan Toshkent pedagoglarni qayta tayyorlash va malakasini oshirish instituti faoliyati bilan yaqindan tanishishdi. Jarayonda institutda pedagog kadrlarning kasbiy salohiyatini oshirish, zamonaviy ta'lim metodikalari va innovasion texnologiyalar asosida malaka oshirish jarayonini tashkil etish, tinglovchilar uchun yaratilgan zamonaviy infratuzilma hamda o'quv-amaliy bazalar ko'zdan kechirildi. O'zaro muloqot davomida hududlarda sifatli ta'lim muhitini shakllantirish va ilg'or tajribalarni keng joriy etish masalalari yuzasidan fikr almashildi.

BO'KA tumanining "Xo'jaqo'rg'on" mahallasida viloyat boshqarmalari va tuman bo'limlari mas'ullari ishtirokida bunyodkorlik ishlari yuzasidan ochiq muloqot tashkil etildi. Unda mahallada amalga oshirilishi belgilangan ustuvor vazifalar, mavjud muammolar va kamchiliklarni bartaraf etish mexanizmlari to'g'risida ma'lumot berildi. Hududni yanada obod qilish, infratuzilmani yaxshilash, aholi turmush farovonligini oshirish hamda ijtimoiy masalalarni hal etishga qaratilgan taklif va tashabbuslar ko'rib chiqilib, muhim vazifalar belgilab olindi.

ТЕМИР ЙЎЛ БЎЙЛАРИ: ХУДУДЛАР ТАРАҚҚИЁТИ ВА ОБОДЛИГИНИНГ КЎЗГУСИ



Ййгилишда белгиланган ва- зифалар ихросини таъминлаш мақсадида мамлакатимизда "Долзарб 40 кунлик" тадбирла- ри эълон қилиниб, маҳаллалар- ни обод қилиш, кўчалар ва йўл бўйларини тартибга келтириш, кўкаламзорлаштиришни янада жадаллаштириш бўйича кенг кўламли ишлар бошланди.

Шунингдек, Ўзбекистон Рес- публикаси давлат мустақилли- гининг 35 йиллиги муносабати билан эълон қилинган "Маҳал- лада ободлик ва меҳр-саховат ойлиги" доирасида юртимиз- нинг барча ҳудудларида эзгу ташаббуслар амалга оширил- моқда.

Тошкент вилоятида ҳам мазкур вазифалар ихросига алоҳида масъулият билан ён- дашилмоқда. Вилоятнинг барча ҳудудларида ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ва аҳоли яшаш шароитларини яхшилаш бўйича тизимли ишлар олиб боришмоқда.

Тадбирлар доирасида Тош- кент вилояти ҳокими Зойир Мирзаев Ўрта Чирчиқ тумани- даги "Бешбой" маҳалласида бў- либ, маҳалла фаоллари ва аҳо- ли билан очик мулоқот ўтказди.

Унда вилоят ва туман ҳоким- лиги мутасадди раҳбарлари, те- гишли соҳа масъуллари, маҳал- ла еттилиги аъзолари ҳамда фуқаролар иштирок этишди. Шунингдек, Zoom платформаси

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

орқали барча туман ва шаҳар ҳокимлари, бошқарма ва таш- килотлар раҳбарлари, маҳал- ла раислари ҳам мулоқотга масофадан уланиб, муҳокама қилинган масалалар юзасидан ўз вазифаларини белгилаб ол- дилар.

Мулоқот давомида маҳал- лалардаги ободлик, саришта- лик ва мавжуд муаммолар танқидий-таҳлилий руҳда кўриб чиқилди. Вилоят раҳбари ай- рим ҳудудларда ҳали ҳам кўча ва ички йўлларнинг ҳолати, ариқ-зовурларни тозалаш, хо- надонлар атрофини тартиб- га келтириш, томорқалардан унумли фойдаланиш борасида камчиликлар сақланиб қолаёт- ганини танқид қилди.

Таъкидланганидек, ободон- лаштириш фақат давлат ташки- лотлари ёки масъул идоралар- нинг вазифаси эмас. Бу ҳар бир фуқаронинг ўз уйи, маҳалласи ва юртига бўлган муносабати, виждоний масъулияти билан боғлиқ жараёндир.

Вилоят раҳбари ўз хонадо- нини озода тутиш, томоркани обод қилиш, кўча ва маҳалла тозалигига эътиборли бўлиш ҳалқимизнинг асрлар давомида шаклланган миллий қадриятла- ридан бири эканини алоҳида таъкидлади.

"Обод маҳалла, аввало, обод хонадондан бошлана- ди", деган та- мойил бугунги

ислохотларнинг ҳам асосий мазмун-моҳиятига айланиши кераклиги қайд этилди. Чунки ҳар бир хонадондаги тартиб ва файз бутун маҳалланинг, қола- верса, бутун ҳудуднинг қиёфа- сини белгилайди.

Мулоқот давомида айрим раҳбарларнинг маҳаллаларга етарлича бормаётгани, муам- моларни кабинетда ўтириб ҳал қилишга уриниш ҳолатлари ҳам танқид қилинди. Аҳоли билан юзма-юз мулоқот қилиш, ҳар бир хонадоннинг ҳолати, эҳти- ёжи ва муаммосини жойига чиқиб ўрганиш, одамларнинг ишончини амалий натижалар билан қозониш зарурлиги таъ- кидланди.

Мулоқотдан сўнг Зойир Мир- заев маҳалла ҳудудида юриб, хонадонларга кирди, уллардаги ободлик, томорқалардан фой- даланиш самарадорлиги, аҳоли турмуш шароити ва мавжуд ма- салалар билан яқиндан танишди.

Бугун Тошкент вилоятида амалга оширилаётган мазкур ишлар замирида ягона мақсад – инсон қадрини улуғлаш, аҳо- ли учун муносиб яшаш муҳити- ни яратиш ва ҳудудларни янада обод, файзли ва намунавий мас- канларга айлантириш муккасас.

Зеро, ободлик фақат тозалик ёки кўркамлик эмас, балки у юк- сак маданият, масъулият, меҳнат ва бирдамликнинг амалий ифо- дасидир. Ҳар бир обод хонадон, ҳар бир файзли кўча ва ҳар бир намунавий маҳалла эса Янги Ўзбекистон тараққиётига қўши- лаётган муносиб ҳиссадир.

Ўткир ҲОШИМОВ, "Тошкент ҳақиқати" мухбири

Меҳриддин ИБРАГИМОВ олган суратлар



Ушбу мақолага оид видеолавахани кўйидаги QR-код орқали томоша қилишингиз мумкин.

қиёфасига ҳам ижобий таъсир кўрсатади.

Дарвоқе, вилоят раҳбари то- монидан Зангиота, Янгийўл ва Чиноз туманлари ҳамда Янги- йўл шаҳридан ўтувчи темир йўл бўйларини обод қилиш маса- лалари юзасидан ҳам тегишли учрашув ва мулоқотлар ўткази- либ, масъулларга аниқ вазифа- лар белгилаб берилган эди.

Бу жараёнда темир йўл бўйларидаги маҳалла ва кўча- ларни намунавий ҳудудга ай- лантириш, бинолар ташқи қи- ёфасини яхшилаш, оқонуний қурилмаларни бартараф этиш, санитария ҳолатини яхшилаш, кўкаламзорлаштириш ишлари- ни кенгайтириш ҳамда аҳоли иштирокида умумхалқ ҳашар- лари ташкил этиш бўйича вази- фалар белгилаб олинди.

Очиқ мулоқот якунида ви- лоят ҳокими тегишли раҳбар- ларга, туман ва шаҳар ҳоким- ларига катта йўллар бўйидаги кўчаларни обод қилиш, энг оғир ҳудудларда ҳар бир хонадонни хатловдан ўтказиш, умумхалқ ҳашарларини ташкил этиш ҳамда меҳр-саховат тадбирла- рини тизимли равишда ўтказиш юзасидан аниқ топшириқлар берди.

Эътиборлиси, вилоят бўйлаб "Энг ораста хонадон", "Энг файз- ли ҳовли", "Энг обод кўча" ва "Энг намунавий маҳалла" номинация- лари бўйича кўрик-танлов эълон қилинди. Мазкур ташаббус аҳоли ўртасида ободликка интилиш, бунёдкорлик ва ташаббускорлик муҳитини янада кучайтиришга хизмат қилади.

Мулоқотдан сўнг Зойир Мир- заев маҳалла ҳудудида юриб, хонадонларга кирди, уллардаги ободлик, томорқалардан фой- даланиш самарадорлиги, аҳоли турмуш шароити ва мавжуд ма- салалар билан яқиндан танишди.

Бугун Тошкент вилоятида амалга оширилаётган мазкур ишлар замирида ягона мақсад – инсон қадрини улуғлаш, аҳо- ли учун муносиб яшаш муҳити- ни яратиш ва ҳудудларни янада обод, файзли ва намунавий мас- канларга айлантириш муккасас.

Зеро, ободлик фақат тозалик ёки кўркамлик эмас, балки у юк- сак маданият, масъулият, меҳнат ва бирдамликнинг амалий ифо- дасидир. Ҳар бир обод хонадон, ҳар бир файзли кўча ва ҳар бир намунавий маҳалла эса Янги Ўзбекистон тараққиётига қўши- лаётган муносиб ҳиссадир.

Ўткир ҲОШИМОВ, "Тошкент ҳақиқати" мухбири

Меҳриддин ИБРАГИМОВ олган суратлар

Фестиваль доирасида вилоятнинг 22 та шаҳар ва туманида кенг кўламли мада- ний-маърифий тадбирлар, концерт дастур- лари, кўргазмалар ва ижодий учрашувлар ташкил этилди. Уларда юртимизда ҳукм су- раётган тинчлик ва барқарорлик муҳити, мил- латлараро тотувлик, инсон қадрини улуғлаш ва умуминсоний қадриятларни асраб-авай- лаш ғоялари кенг тарғиб қилинди.

Фестиваль кунлари шаҳар ва туманлар- да «Дўстлик оҳанглари» концерт дастурла- ри, миллий маданий марказлар иштирокида бадиий чиқишлар, «Дўстлик нигоҳи» фо- токўргазмалари, «Қардошлик мушоираси» ижодий учрашувлари, халқ амалий санъати ва ҳунармандчилик намуналари кўргаз- малари, миллий таомлар тақдимотлари

этган либосларда юриб, Ватанга муҳаббат, миллий гурур ва умумхалқ бирдамлигини та- раннум этдилар. Марш давомида ҳилпираган юзлаб давлат байроқлари халқимиз жипсли- гининг рамзи сифатида намоён бўлди.

Амфитеатрда бўлиб ўтган асосий бай- рам тадбирлари Давлат мадҳияси садолари билан бошланди. Шундан сўнг «Ўзбекистон – умумий уйимиз» ғояси асосида тайёрлан- ган адабий-бадиий композициялар, миллий маданий марказларнинг ранг-баранг кўшиқ ва рақслари, халқ амалий санъати ва ҳу- нармандчилик кўргазмалари, миллий таом- лар тақдимотлари фестивалга ўзгина шуқуҳ бағишлади. Турли миллат вакилларининг бой тарихи, маданияти, урф-одат ва анъаналари бир саҳнада уйғунлашиб, юртимизда қарор

ҲАМЖИҲАТЛИК ТАРАННУМИ



катта қизиқиш билан ўтказилди. Болалар ёзги оромгоҳларида «Дўстлик болалиқдан бошланади» мавзусида бўлиб ўтган маъ- навий-маърифий тадбирлар эса ёш авлод қалбида ватанпарварлик, бағрикенглик ва миллатлараро ҳурмат туйғуларини янада мустаҳкамлашга хизмат қилди.

Фестивалнинг марказий тадбирлари Ну- рафшон шаҳрида бўлиб ўтди. Вилоятнинг барча шаҳар ва туманларидан ташриф бу- юрган иштирокчилар, 9 та миллий маданий марказ вакиллари, турли миллат ва элатлар намоёндалари, меҳнат фахрийлари, ёшлар, волонтерлар, санъаткорлар ҳамда кенг жа- моатчилик вакиллари бир майдонда жам бў- либ, мамлакатимиздаги дўстлик ва бирдам- лик муҳитининг яна бир ёрқин намунасини намоён этдилар.

Тантаналар «Мустақиллик марш юриши» билан бошланди. Nurafshon City ҳудудида- ги Президент мактабидан амфитеатрғача бўлган йўналиш бўйлаб ўтказилган юришда маданий марказлар вакиллари миллий ли- босларда, кўлларда Ўзбекистон Республика- си Давлат байроғи билан саф тортдилар. Уларнинг ортидан шаҳар ва туманлардан жалб этилган 1,1 минг нафардан ортқ ёшлар, волонтерлар ҳамда жамоатчилик вакиллари давлат байроғи рангларини ўзида мужассам

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

топган бағрикенглик муҳитининг амалий ифо- дасига айланди.

Фестиваль якунида «Энг яхши миллий маданият кўргазмаси», «Энг яхши миллий мусиқа, ижро ва рақс санъати намоиши» ҳамда «Энг фаол миллий маданий марказ» номинациялари бўйича ғолиблар муносиб тақдирландилар. Бу эса миллий маданий марказларнинг мамлакатимизда миллат- лараро тотувлигини мустаҳкамлаш, миллий қадриятларни асраб-авайлаш ва халқ дил- поматиясини ривожлантириш йўлидаги хиз- матларига юксак эътиборнинг яна бир ама- лий ифодаси бўлди.

«Дўстлик» фестивали нафақат байрам тантанаси, балки Янги Ўзбекистонда инсон қадри, миллатлараро тотувлик, бағрикен- лик ва умумхалқ бирдамлигини таъмин- лаш борасида амалга оширилаётган эзгу ислохотларнинг ҳаётий ифодаси сифати- да ҳам катта аҳамият касб этди. У турли миллат ва элат вакилларининг бир мақсад йўлида – Ватан равнақи, юрт тинчлиги ва халқ фаровонлиги йўлида елқадос бўлиб яшаш мамлакатимиз тараққиётининг энг мустаҳкам асоси эканини яна бир бор на- моён этди.

Ўз мухбири
Жалолiddин ЭСОМОВ
олган суратлар

СУВНИ АСРАШ – ҲАЁТ ВА ТАБИАТНИ АСРАШДИР

Сув – ҳаёт манбаи. Инсон саломатлиги, турмуш фаровонлиги ва жамият тараққиёти тоза ва сифатли ичимлик сувисиз тасаввур этиб бўлмайди. Шу боис ичимлик сувини асраш, ундан оқилна ва тежамкорлик билан фойдаланиш бугунги куннинг муҳим вазифаси.

▼ Назорат

В и л о я т и м и з д а ичимлик сувидан оқи- лона фойдаланиш ва сув объектларини муҳофаза қилиш, аҳо- ли ўртасида тушунти- риш ишларини олиб боришга алоҳида эъти- бор қаратилмоқда.

Жорий йилнинг ўт- ган ярмида ҳудудий назорат инспекцияси томонидан ичимлик сувидан оқилна фой- даланиш ва аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш мақсадида оммавий ах- борот воситалари, ижтимоий тар- моқлар, жамоат жойлари ҳамда ташқи реклама конструкциялари- да юздан ортқ тарғибот материа- ли жойлаштирилди.

Қайд этиш жоизки, назорат тадбирлари давомида ичимлик сувидан фойдаланиш ва сув объектларини муҳофаза қилиш билан боғлиқ 386 та ҳуқуқбузар- лик аниқланиб, улар бўйича маъ- мурий чоралар кўрилди.

Шунингдек, вилоятдаги 250 та бюджет ташкилотда ҳам ичимлик суви таъминоти ва оқова сувлар- ни чиқариб юбориш хизматлари- дан фойдаланиш ҳолати ўрганил- ди. Аниқланган қондабузарликлар бўйича қонунчиликда белгилан- ган тартибда чоралар кўрилди. Сув таъминоти ташкилотлари то-



монидан тақдим этилган техник шартларнинг бажарилиши ҳам назоратдан четда қолмади. Ўрга- нишлар жараёнида 198 та рейд ўтказилиб, 13 та ҳолатда камчи- ликлар аниқланди.

Бугун сув ресурсларига бўлган эҳтиёж тобора ортиб бораётган бир пайтда уни исроф қилмаслик ҳар биримизнинг бурчимиздир. Шундай экан, жўракин очиқ қол- дирмаслик, тизимдаги носозлик- ларни ўз вақтида таъмирлаш, ичимлик сувидан фойдаланиш қоидаларига амал қилишга масъу- лият билан қарайлик.

Зеро, сувни асраш ҳаёт ва та- биатни асрашдир.

Бекзод РИСКИБЕКОВ,
Вилоят ҳудудий қурилиш ва уй- жой коммунал хўжалиги соҳаси назорат қилиш инспекцияси бош мутахассиси

▼ Мутахассис минбари

Автомобилларга ёқилғи қуйиш шохобчалари ва газ түлдирриш ин- шоотларидан кундалик ҳаётимизда энг кўп фойдаланамиз. Лекин ҳар доим ҳам уларнинг ҳар бири потенциал хавфли объектлар эканини ўйламаймиз. Бу ерда технологик жараёнларнинг атиги биргина тала- би бўлиши ҳам инсон ҳаёти, соғлиғи, давлат ва хусусий мулк, атроф-муҳит учун оғир оқибатларни келтириб чиқариши мумкин.

Сунгги йилларда мамлакатимизда ёқилғи қуйиш шохобчалари ва газ түл- дириш иншоотларида содир бўлган ёнғин ва портлашлар бу масаланинг нақадар долзарб эканини яна бир бор кўрсатди. Жумладан, 2025 йил 16 июль куни Қашқадарё вилоятининг Кўкдала туманида газ түлдирриш шохобчасида белгиланган босимдан юқори босимда газ түлдиррилиши оқибатида ёқилғи сақлаш сизими портлади. Уша йил- нинг 8 август куни Ўргач туманидаги автобензин ёқилғи қуйиш шохобчаси- да, 10 август куни Жомбой туманидаги сиқилган газ түлдирриш компрессор шохобчасида ҳамда 13 август куни Шўрчи туманидаги суюлтирилган газ түлдирриш шохобчасида ёнғин ва портлаш ҳолат- лари қайд этилди.

Жорий йилнинг 8 июнь куни эса Қар- ши туманидаги газ түлдирриш пункти ҳудудида саноат хавфсизлиги талабла- рига мутлақо зид равишда газ ташувчи автотранспорт воситалари ўртасида суюлтирилган газ ўтказиш вақтида портлаш юз берди. Бу бахтсиз ҳодиса- ларнинг ҳар бирида инсонлар жароҳат олди, афсуски, қурбонлар ҳам бўлди.

Ўрганишлар шунки кўрсатмоқдаки, бундай фожиаларнинг асосий сабабла- ри хавфсизлик талабларига етарлича амал қилинмаслиги билан боғлиқ. Ху- сусан, нефть маҳсулотларини таший қоидаларининг бузилиши, ортиш ва ту- шириш ишларида технология, саноат ҳамда ёнғин хавфсизлиги талаблари- га риоя этилмаслиги, хизмат муддати тугаган ёки ишлаб чиқарилган санаси номаълум бўлган юқори босим остида- ги ускуналардан фойдаланиш, босим остида ишловчи сиймалар, қурурлар, тарқатиш устунлари, "нафас олиш"

клапанлари ва насосларнинг носозли- ги, энг муҳими, малакага эга бўлмаган ходимларнинг ишга жалб қилиниши энг кўп учраётган омиллардир.

Хусусан, Кўкдала туманида со- дир бўлган бахтсиз ҳодисадан кейин республика бўйлаб ўтказилган хатлов

ишлари ҳам вазиятга ҳолис баҳо бериш имконини берди. Унда қурилиш соҳа- сига оид 2 минг 218 та, ёнғин хавфсизлиги соҳасига оид 7 минг 949 та, саноат ва техника хавфсизлиги соҳасига оид 25 минг 341 та, техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасига оид 3 минг 354 та ҳамда технологик жараёнларга оид 7 минг 875 та қондабузарлик ва камчиликлар аниқланди. Текширувлар жараёнида 7 минг 166 та камчилик жойида бартараф этилди, 464 та ёқилғи қуйиш шохобчаси фаолияти эса вақтинча тўхтатилди.

Бу рақамлар хавфсизлик масала- сига муносабатини янада кучайтириш зарурлигини яқол кўрсатади. Шу мак- садда "Ўзэнергоинспекция" томонидан ёқилғи қуйиш шохобчаларида авария ва нохуш ҳодисаларнинг олдини олишга қаратилган йўриқнома ишлаб чиқилди. Айни пайтда "Ўзэнергоинспекция"нинг Тошкент шаҳар бошқармаси мутахас- сислари томонидан пойтахтдаги авто- мобилларга ёқилғи қуйиш шохобчала- рида ушбу йўриқнома мазмуни бўйича кенг қамровли тушунтириш ва тарбият тадбирлари олиб боришмоқда.

Ушбу тадбирларда, аввало, ёқилғи- ни автоцистернадан резервуарларга қабул қилиш жараёнидаги хавфсизлик талабларига алоҳида эътибор қаратил- моқда. Хусусан, ёқилғини тўкиб олиш ишлари фақат махсус ўқувдан ўтган хо- димлар томонидан, камда икки нафар масъул иштирокида амалга оширили- ши, автоцистерна ҳужжатлари текшири- лиши, резервуарларда бўш ҳажм мав- жудлиги, қурурлар герметиклиги, ёнғин ўчириш воситалари, авариявий ўчириш тизими ҳамда автоцистерна ва резерву- арнинг ерга уланганлиги текширилиши шартлиги тушунтирилмоқда.



Энг муҳими, ерга улашсиз ёқилғини тўкиб олиш қатъиян тақиқланади. Шу- нингдек, тўкиш жараёнида чекиш, очиқ оловдан фойдаланиш, электр пайванд- лаш ишларини бажариш, мобилъ теле- фондан фойдаланиш, носоз шланглари- ни ишлатиш ёки ёқилғи сизиб чиқиши аниқланган ҳолда ишни давом эттириш мумкин эмаслиги яна бир бор эслати- лмоқда.

Йўриқномада шохобчани кунда- лик эксплуатация қилиш бўйича ҳам аниқ талаблар белгиланган. Ҳар бир смена бошланишидан олдин опе- раторлар ёқилғи тарқатиш колонка-

лари, қурурлар, авариявий ўчириш қурилмалари, ёнғин хавфсизлиги воситалари ва ерга улаш тизимини текшириши шарт. Аниқланган но- созликлар бартараф этилмагунча қурилмаларни ишга туширишга йўл қўйилмайди.

Шунингдек, технологик жараёнларга ўзбошимчалик билан ўзгартириш кири- тиш, назорат-ўлчов асбоблари кўрсат- ки-чларига аралаштиш, техник кўрик му- ддати ўтган ёқилғи сақлаш сиймалардан фойдаланиш, механик шикастланган ёки ёқилғи сизиб чиқаётган ускуналарни ишлатиш мутлақо тақиқланади.

Ҳар қандай авариявий вазиятда би- ринчи навбатда ёқилғини қабул қилиш ва тушириш жараёни зудлик билан тўх- татилиши, одамлар хавфсиз ҳудудга чиқарилиши ҳамда носозликлар тўлиқ бартараф этилмагунча объект фаолият- и қайта тикланмаслиги лозим.

Бугун хавфсизлиқни таъминлаш фақат назорат қилувчи органларнинг вазифаси эмас. Бу, энг аввало, шохоба- раҳбарлари, муҳандис-техник ходим- лар, операторлар ва соҳада фаолият юритаётган ҳар бир мутахассиснинг шахсий масъулиятидир. Амалдаги нор- матив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларини бузган шахслар қонунчиликда белги- ланган тартибда жавобгар бўлади.

Ҳар бир авариянинг олдини олиш мумкин. Бунинг учун қоидаларга қатъ- ий риоя қилиш, технологик интизомни таъминлаш ва хавфсизлик маданияти- ни оширишининг ўзи кифоя. Зеро, инсон ҳаёти ва соғлиғи ҳар қандай иқтисодий манфаатдан устундир.

Фикрат КАРИМЖОНОВ,
"Ўзэнергоинспекция" Тошкент шаҳар бошқармаси бошлиғи

Тақдир тақозоси ила Ўткир Ҳошимов билан ишлаш менга ҳам насиб этган. Дорилфунунни тамомлаб Тошкентда ишга қолиш истагида юрганимда дўстларимдан бири “Шарқ юлдузи” журналида бўш иш ўрни борлиги ҳақида хабарлаб қолди. Ҳеч нимага қарамай етиб келдим. Нусха кўчирувчи, яъни машинистка ўрни бўш экан. Жуда оқила аёл, шоира Саодат Донобоевани илк бора ўша ерда кўрдим. Танишдик. Опа менга бўш иш ўрни борлигини айтиб: “Фақат нусха кўчирасиз-да,” деди. Аслида катта обрўга эга бўлган “Шарқ юлдузи”дай журналга нусха кўчирувчи бўлиб киришнинг ўзи ҳам унча-мунча одамга насиб қилмайдиган бахт эди.

▼ Уйғоқ хотира

МЕН БИЛГАН ЎТКИР АКА...



Ўша пайт журнал бош муҳаррири адабиёт-шунос олим Пирмат Шермухамедовни аввал турли учрашувларда, тадбирларда кўрган бўлсам-да ҳеч гаплашмаганим боис анчагина тортиниб олдиларига кирдим. Талабалик давримда турли тахририятларда ишлаганим кўп келди. Пирмат ака дарров Ортиқбой Абдуллаевни чакириб топшириқ бердилар. Шу-шу журналга жойлашиб, ишни бошладим.

Орадан бироз вақт ўтган Ўткир Ҳошимовнинг жамоага раҳбар бўлиб келгани жуда катта воқеа бўлди. Журналининг нухсидан тортиб ижодий гуруҳчага янги руҳ кирди. Биз кутган, кутмаган учрашувлар, тадбирлар ташкил этилди. Ёзувчилар, шоирлар, адабиётшунослар, олимлар, тарихшунослар, қўйинги, ёш, эндигина қалам тутган ижодкорларгача тез-тез келадиган бўлишди. Жуда кўп улуг инсонларни шу даргоҳда кўрдим. Уларга ҳавас билан қараб бир даргоҳда ишлаганимдан фахрландим.

Ўткир ака самимий, ҳар қандай инсоннинг гапини бағрикенглик билан эшитадиган, ўзининг ҳам айрим гапларини бизлар билан бўлишиб турадиган инсон эди. Оилавий шароити сабабми Саодат Донобоева бошқа ишга ўтиб ўрнига аввал шу журналда ишлаган тахрирбали машинистка (нусха кўчирувчи) Фарида Ҳайдарова ишга келди. Шундан бошлаб Ўткир аканинг яна бир хислатларини кашф қилдим.

Эрталаб: “Тузумисилар, қизлар?” деб ишга келгач, дарров қўлларида кичкинагина ён дафтар билан хонамизга кириб келардилар. Шу дақиқадан бошлаб бутун хона бўйлаб машинканинг “чик-чик”и ва Ўткир аканинг “диктовка”лари эшитилиб турарди. Рўпарада, бошқа машинкада ўтирганим боис ёзиш у ёқда

турсин, нафас олишга ҳам хижолат бўлардим. Ўткир ака аллақандай чиқиқлар, белгилар қўйилган ён дафтарчадан бутун бошли асарни “диктовка” қилардилар. Блокнотдаги қисқа белгилар ва ишораларни маъносини фақатгина Ўткир аканинг ўзларига тушунарди. Бу белгиларда нима маъно борикин, деб ҳайратланардим. Тўғриси айтсам, бу манзара ижодкор хотираси ва тафаккурининг нақадар бетакрор эканини намоён қиларди.

Асарлари ҳаёт ҳақида, оддий инсоннинг дарди, виждони, муҳаббати, орияти ҳақида эканининг гувоҳи бўлардим. Ўша пайтлардаги ҳар бир кун, ҳар бир дақиқа мен учун катта мактаб эди. Учрашувлар, суҳбатлар, жамоа бўлиб тушлик қилишлардан ўзимга зарур бўлган бир нималар олардим.

Ҳақиқатан ҳам бу жуда катта мактаб эди. Ўткир Ҳошимов, Мурод Муҳаммад Дўст, Абдусайд Кўчимов, Носир Фозилов, Омон Мухторов, Неймат Аминов, Тоҳир Қаҳҳор, Ортиқали Абдуллаев, Машраб Бобоев, Тоҳир Малик, Мурод Хидиров, Алиназар Эгамназаров, Асад Асиров, Турсунбой Иброҳимов, Исажон Султон, Асқар Ҳайдаров, Баҳодир Муродалиев, Музаффар Аҳмад, Иқром Отамурод, Юсуф Абдуллаев...

Улар баландпарвоз гапларни эмас, ҳаётнинг ўз ҳақида гапиришни хуш қўлардилар. Инсонларни тинглашнинг билардилар. Айниқса, уларнинг қулиб айтган ҳазиллари замирида ҳам ҳаётий ҳақиқат ётарди.

Ўткир Ҳошимовнинг “Икки эшик ораси” романини китобхонлар зўр мамнуният билан қутиб олдилар. Роман шовшув бўлди. Мен эса унинг номини англаб етолмай бир кунни ўзларидан “Нимага икки эшик ораси?” деб сўрадим.

— Икки эшик ораси — инсоннинг дунёга келиши ва дунё-

дан кетишидаги эшиқлардир, — дедилар қулиб. — Асарни ўқисангиз яна кўпроқ савол берасиз. Ҳаётнинг мураккаб синовлари кўп у ерда. Қанча саволларингиз бўлса мен тайёр.

Ҳайратланиб қолдим. Ҳеч ҳаёлимга келмаган экан. Ёш бўлганман-да ахир. Китобни ўқигандаги ҳаяжон ҳалигача ҳаёлимда туради. Ўткир аканинг гаплари далда бўлди. “Дунёнинг ишлари”, “Тушда кечган умрлар” ҳақидаги саволларимни бердим. Чунки бу асарларни ўқиган китобхон энг аввало ўз тақдирини, ўз ҳаёт йўлларини ва ўз одамларини топади. Шу боис ҳам қатор саволлар туғилиши табиий...



Бир куни у киши қутилмаганда дардлашиб қолдилар.

— Онам билан бирорта ҳам бирга тушган расмим йўқ. Шунинг учун армон қиламан. Доим шошиб юрдим. Онам бир куни дунёдан ўтиб қоларди, деб ҳаёлимга келтирмадим...

Ўткир аканинг овозидаги ўкинччи, кўзларидаги афсуслик кўриб, шундай улуг ижодкорнинг ҳам армони бор экан-да деб жим қолдим. Ўшанда англадимки, бутун халқни йиғлата олган ёзувчи ҳам онаси олдида оддий бир фарзанд экан. Унда ҳам армон, кўз ёш ва унутилмайдиган хотиралар бўларкан... Асар ёзаётганларида йиғлаб ёзадилар деганларига ишондим... Кейинчалик “Дунёнинг ишлари”ни ҳар сафар ўқига-

нимда ўша суҳбат ёдимга тушарарди...

Бир умр сабоқ бўлди. Ўша пайт ота-онам ҳаёт эдилар. Ўйга борганимда улар билан суратга тушдим. Қайта-қайта тушдим. Ҳатто ота-онамнинг бирга тушган расмлари йўқ эди, уларни ҳам бирга туширдим. Ўткир Ҳошимовнинг маҳорати, ҳаёт ҳақиқатлари, меҳр, соғинч ва онага бўлган муҳаббатининг илдизи, эҳтимом ана шу армонда мужассам эдимки, билмадим, ҳаётда мени жуда хушёр торттирди ва бу учун муҳтарам ёзувчига қайта-қайта раҳматлар айтдим...

1990 йил баҳори ҳамон ёдимда. “Шарқ юлдузи” журнали ташкил топганининг 60 йиллиги кенг нишонланди. Унга катта тайёргарлик қўрилди. Шу боис ҳам байрам юртимиз китобхонларининг, шоиру ёзувчиларининг катта байрамига айланди. Ўнлаб нуфузли меҳмонлар тақлиф этилди. Ҳатто чет давлатлардан ёзувчи, шоиру адабиётшунослар ташриф буюрдилар. Байрам пойтахтимиздаги каттагина қошонада ўтказилди. Унинг ҳар бир ташкилий жиҳатида Ўткир аканинг меҳнати ва жонқуярлиги мужассам эди. Аниқ айтаман, улар жамоа учун елиб-югурди, ҳаракат қилди, масъуллар билан учрашди. Натижада журнал ҳодимлари муносиб тақдирланди. Унвонлар, янги хонадонлар, енгил автоуловлар ва бошқа қимматбаҳо эсдалик совғалари насиб этди.

Назаримда Ўткир ака бу муваффақиятларни ўзининг эмас, жамоанинг ютуғи деб билди. Бугун Ўткир акани эслаб шуларни қоралар эканман, айтишим мумкинки, Ўткир ака, аввало, самимий инсон, меҳрибон устоз ва буюк ёзувчи бўлиб қолаверарди. Вақт ўтади, авлодлар алмашади, аммо ҳақиқий қалам соҳибининг нури ҳеч қачон ўчмайди...

Инобат ОЙДИН,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси

▼ Ёднома

1987 йил Тошкент Маданият институтида сиртқи таълимда ўқирдим. “Ёшлик” журналининг 7-сонидан иккинчи хикоям чиқибди. Институтга келсам, филология кафедраси олдида деворга осилган кўرғазма тахтасига журналининг хикояларим чиққан бетини (унда сочим саватдай бўлиб тушган суратим ҳам бор!) очиб, илиб қўйишибди.

Бир кунда машхур бўлиб кетдим. Мен режиссёрликда ўқисам ҳам, умумий поток дарслари методист-ташқилотчи бўлими билан қўшиб ўтиларди. Дарсга кирдим: улкан аудитория, юзлаб талабалар, ҳаммаси пичир-пичир қилиб, бир-бирига мени кўрсатади. Адабиёт домлазми, раҳматли Иброҳим Азимов бир пайт:

— Абдунаби Ҳамроев шу ердами? — деб қолди. Ўрнимдан турдим. — Табриклайман, ука. Ҳикояларингиз чиқибди. Омон акаям кеча телевизорда сизни роса мактадилар. Кўрдингизми ўзи?

— Домла, ижарада турман, телевизор йўқ... — дедим ерга қараб. У киши кулимсираб:

— Майли, ишқилиб, Омон ака: “Журналимиз бу йил қўллаб ёш ижодкорларни, жумладан Абдунаби Ҳамроев деган истеъдодли ёш ёзувчини кашф этди. Келажаги порлоқ йигит у!” дедилар...

Талабалар қарсак чалиб юборишди, қизариб кетганим ҳамон ёдимда. Домла дарсдан сўнг қолишмини тайинлаб, маърузани бошлади.

Дарсдан сўнг олдиларига бордим.

— Шеър ҳам ёзсангиз керак, албатта. Шеърларни “Шарқ юлдузи”га, Иқром Отамуродга олиб бориң. Мана бу қоғозчани бериб, мендан салом айтиң. — домла шундай деб “записки”ни қўлимга тутқазди. Раҳмат айтиб, чиқиб кетдим.

Эртасига “Шарқ юлдузи” тахририятига бордим. Иқром акани орқаворотдан танирдим. “Тўғайли манзиллар”, “Жануб қушлари” сингари юлғагина шеърй китобларини ўқиган, “кўнгил” сўзини “кангул” тарзида ишлатганига ҳайрон қолиб юрардим. (Кейинроқ билсам, ҳазрат Навоийда бор экан “кангул”).

Кўришдик, танишдик, хатчини бердим. Иқром ака жилмайди:

— Яхши одам домлангиз.

ИКРОМ ОТАНИНГ “ОТАЛИГИ”



Агар у тавсия берган бўлса, демек, сиздан бир нарсачиқади...

Шеърларни қолдириб кетдим. Икки-уч марта бори-

дим, ака ҳар сафар: “Анови шеърингиз ундоқ экан, мана буниси бундоқ экан” деявергач, бироз жаҳлим чиқди:

— Ака, мен бир туркман боламан, майда гапни ёқтирмайман. Бўладиган бўлса- бўларини айтиң, бўлмаса — олинг бу ёққа шеърларни!

Олотда ўша пайтлари туркманлар кўп эди, умуман, Чоржўй билан борди-келди, қуда-андачилик яхши йўлга қўйилганди. Мен гарчи туркман бўлмасам-да, феълим сал чарсроқ эди. Ёшлик экан-да.

Иқром ака кула-кула елкамга қоқиб, овутиб, чиқариб юборди. Кўп ўтмай иккита шеърим (суратим билан!) “Шарқ юлдузи”да чоп этилди...

Ўша йилими, кейинги йилмиди, ишқилиб, Дўрмонда Республика ёш ижодкорларининг семинари бўлди. Бухоро вилоятидан беш нафар ёш ижодкор қатнашди. Раҳматли Омон Матжон поэзия секцияси раҳбари эди. У кишининг маърузаларини тинглаётувдик, бирдан Иқром ака келиб қолди.

— Омон ака, ўзим танийдиган бирон ёш шоир билан суҳбатлашсам бўладими? — деб сўради у.

— Булардан кимни танийсиз? — деди Омон ака.

— Жаҳли бурнининг учиди турадиган бир туркман бола бор, Абдунаби Ҳамроев деган, ўша билан танишимиз, — деди ака кулимсираб. Омон ака раҳматли:

— Абдунаби, “Шарқ юлдузи” сизга эга чиқмоқчи шекилли? Лекин, унутманг: сиз “Ёшлик”никисиз! Боринг, акангиз билан бир айланиб келиң. — дедилар жилмайиб.

Қўллуқ қилиб, Иқром акага эргашдим. Бирон соат Дўрмон боғларини айландик, адабиётдан суҳбатлашдик. Иқром ака ўзига хос йўғонроқ овозда, сира шо-

шилмай гапирарди. “Наҳотки юраги сиқилиб кетмаса, фикрини шартта-шартта тушунтирмайми?” деб ҳайрон бўлардим...

1992 йилда қўшни Қорақўл тумани газетаси муҳаррири, раҳматли Шодмон Нурматов бир учрашганимизда:

— Шоир, шеърларни дасталанг, “Шарқ юлдузи”га жўнатамиз, — деб қолди.

— Ака, у ерда Иқром ака бор, жуда инжиқ, барибир чиқармайди, — дедим беҳафсала.

— Сиз шеърларни менга олиб келиң, бу ёғини қўяверинг!

Эртасига машинкаланган (у пайтлар компьютер йўқ эди) олтига шеърни олиб бордим. Шодмон ака кўз олдимда қуйидагича хатча битди:

“Хурматли Иқром Ота! Олотлик шоир Абдунаби Ҳамроевнинг шеърларини юборялман. Умид қиламанки, гааладонларда қолиб кетмайди!”

Қарангки, бу сафар ҳам шеърларим расмим билан босилиб чиқди! Кейинроқ билсам, Шодмон ака Иқром Отамурод, Аҳмад Тошхўжаев, Шарифа Салимова каби таниқли ижодкорлар билан курсдош бўлган экан.

2015 йилда онам 78 ёшда оламдан ўтдилар. Телефонимга Тошкентда яшайдиган ижодкор дўстларимдан SMS хабарлари, овозли қўнғироқлар бўлиб турди. Уч кундан сўнг номаълум бир рақамдан телефон бўлди. Олсам, Иқром ака! Яна ўша ўзигагина хос бўлган салмоқли товушда таъзия билдириб, кўнглимни қўтарди...

Бугун Иброҳим Азимов, Омон Матжон, Шодмон Нурматов сингари устозларнинг барчаси ораимизда йўқ. Яқинда Иқром ака ҳам бандаликни бажо келтирди. Барчаларини Аллоҳ ўз раҳматига олган бўлсин. Менга қанот бўлган, бегараз кўмаклашган устозларини ҳеч қачон унутмайман...

Абдунаби ҲАМРО

▼ Е’лон

О’zbekiston Buka ekspluatatsiya loyihasi bo’limining Doimiy Muassasasi (PE)ni ro’yxatdan o’tkazish hamda buxgalteriya hisobi va soliq hisobotlarini yuritish xizmatlarini xarid qilish bo’yicha narxlar so’rovi e’loni

China Datang Group Overseas Power Operation Co., Ltd. tomonidan O'zbekiston Buka ekspluatatsiya loyihasi bo'limining **Doimiy Muassasasi (PE)**ni ro'yxatdan o'tkazish hamda buxgalteriya hisobi va soliq hisobotlarini yuritish xizmatlarini talash maqsadida ochiq narxlar so'rovi (Inquiry) o'tkaziladi. Tafsilotlar quyidagicha:

1. Loyiha haqida

China Datang Group Overseas Power Operation Co., Ltd. hamda “Datang Buka New Energy Development Co., Ltd.” (O'zbekiston) o'rtasida “O'zbekiston Buka fotoelektr stansiyasini ishlab qurish, ekspluatatsiya, texnik xizmat ko'rsatish va boshqarish xizmatlari shartnomasi” imzolangan bo'lib, xizmat muddati 1 yilni tashkil etadi. Loyiha ehtiyojlaridan kelib chiqib, O'zbekistonda **Doimiy Muassasa (PE)**ni ro'yxatdan o'tkazish hamda buxgalteriya va soliq hisobotlarini yuritish xizmatlarini xarid qilish rejalashtirilgan. Shu munosabat bilan O'zbekiston hududida ochiq narxlar so'rovi e'lon qilinadi.

2. Xarid doirasi

2.1. Xitoy hududida ko'rsatiladigan xizmatlar
Quyidagilarni o'z ichiga oladi, ammo ular bilan cheklanmaydi:

PEni ro'yxatdan o'tkazish uchun zarur barcha hujjatlarni tayyorlash va tarjima qilish; PEni ro'yxatdan o'tkazish hujjatlarini Xitoy hududida ikki bosqichli konsullik tasdiqlashidan (Double Authentication) o'tkazish; 12 oy davomida Xitoy va O'zbekiston soliq tizimlari bo'yicha har oylik moliyaviy taqqoslash tahlili hamda moliyaviy va soliq bo'yicha maslahat xizmatlarini ko'rsatish;

Xitoydagi moliya bo'limi bilan hamkorlikni ta'minlash;

Xitoy va O'zbekiston buxgalteriya standartlari o'rtasidagi farqlar bo'yicha taqqoslama tahlilini tayyorlash.

2.2. O'zbekiston hududida ko'rsatiladigan xizmatlar

Quyidagilarni o'z ichiga oladi, ammo ular bilan cheklanmaydi:

PEni ro'yxatdan o'tkazish uchun zarur barcha hujjatlarni tayyorlash va tarjima qilish; Soliq organlarida ro'yxatdan o'tish; PE ro'yxatdan o'tganligi to'g'risidagi guvohnoma hamda **STIR (INN)**ni olish;

Muhr tayyorlash; Bank hisob raqamini ochish; 12 oy davomida PE uchun buxgalteriya hisobi va soliq hisobotlarini yuritish, jumladan:

moliyaviy hisobotlarni tayyorlash; soliq hisobotlarini topshirish; byudjet tuzish; buxgalteriya hisobi; moliyaviy tahlil va boshqa tegishli xizmatlarni ko'rsatish.

3. Ishtirokchilarga qo'yiladigan talablar
Ishtirokchi quyidagi talablarga javob berishi lozim:

O'zbek va xitoy tillarini biladigan, tegishli litsenziyaga ega mahalliy buxgalter mutaxassisligiga ega bo'lishi;

Korxonani ro'yxatdan o'tkazish, soliq ro'y-

xatidan o'tkazish hamda bojxona imtiyozlari bo'yicha hisob yuritish (bojxona imtiyozlari reyestri) ishlarini mustaqil bajarish imkoniyatiga ega bo'lishi;

So'nggi 3 yil davomida O'zbekistondagi Xitoy investitsiyali korxonalar uchun korxona ro'yxatidan o'tkazish, oylik buxgalteriya hisobi, ish haqi va ijtimoiy sug'urta hamda jismoniy shaxslar daromad solig'i hisob-kitoblari bo'yicha shunga o'xshash loyihalarni muvaffaqiyatli amalga oshirgan bo'lishi;

Xizmat ko'rsatish bo'yicha shartnoma majburiyatlarini buzish holatlari mavjud bo'lmagligi.

4. Ariza topshirish tartibi

1-usul: Toshkent viloyati, Bo'ka tumani, Buka fotoelektr stansiyasida bevosita ro'yxatdan o'tish.

2-usul: Ariza (ro'yxatdan o'tish blankasi)ni quyidagi elektron pochta manzillariga yuborish: shixigen@china-cdto.com

1207588377@qq.com

Ariza shakli:
Tashkilotning to'liq nomi
Rahbar (qonuniy vakil)
Faoliyat turi

Bog'lanish uchun mas'ul shaxs

Lavozimi

Telefon

Elektron pochta

Ariza bilan birga quyidagi hujjatlar ham taqdim etilishi lozim:

Kompaniyaning malaka hujjatlari nusxalari yoki skanerlangan variantlari (guvohnoma, STIR, litsenziya va boshqa tegishli hujjatlar).

Ariza qabul qilinib, tekshiruvdan muvaffaqiyatli o'tgandan so'ng, ishtirokchiga xarid hujjatlari (bepul) yuboriladi.

5. Ariza topshirishning oxirgi muddati
Arizalar 2026-yil 1-avgust soat 17:00 gacha (O'zbekiston vaqti bilan) qabul qilinadi.

Belgilangan muddatdan kech topshirilgan arizalar ko'rib chiqilmaydi.

6. Bog'lanish uchun

Mas'ul shaxslar:

Janob Shi (Xitoy) Tel.: +86 189 8808 5129

Janob Jing (O'zbekiston) Tel.: +998 99 136 90 30



Тошкент вилояти, шараф-шонимсан!



Хар тонг пойимизга нур тўшар куёш,
Дилларни уйғотар Хурлик баҳори.
Чечаклар кулгуси тошларга талош,
Қушлар сайроғида Тинчлик алёри.

Бу азиз Ватанда азиздир инсон,
Хар ишда барака, юксалиш, ривож.
Дунёга йўл очар минг турфа имкон,
Қадрим буюклиги – бошимдаги тож!

Элга мададкорим, юртга елкадош –
Суйиб суянганим, жон-жаҳонимсан.
Бағрингда ҳар миллат дўст-иноқ, дилдош,
Тошкент вилоятим, шараф-шонимсан!

Қуллук, эй меҳнатда тобланган диёр,
Ангрен, Олмалик – маъданлар кони!
Бекободдек бўстон яна қайда бор?!
Янгийул – меҳрининг бугдони нони...

Бўстонлик – улуғлар бош қўйган тупроқ,
Қўтлуг Зангиота – азиз маконим.
Элга маърифатдан нур тутган чироқ –
Қадим Паркент, қўхна Оҳангароним!



Хормангиз, юрт шаънин уйлаб тинмаган
Юқоричирчилик азамат шерлар.
Яратиш ишқиди ором билмаган
Тошкент-у, Чирчиқлик бунёдкор эрлар!

Қибрай – тадбиркорлар маскани азал,
Пискент, Ўрта Чирчиқ тарихи дoston.

Кундан-кун ободдир, кундан-кун гўзал
Бўка, Қуйи Чирчиқ, Чиноз, Оққўрғон!

Юраклар шодликдан айлади хониш,
Қаранг, бир мўъжиза қад ростлар бу он.
Тилларда шукрона, дилларда ёниш –
Салом, ёшлар шаҳри – янги Нурафшон!

Бугун сенинг бағринг нурдан ёруғроқ,
Менинг-да ғурурдан баланддир бошим!
Бу юртдан армонлар кетсин деб йироқ,
Бахт тамал тошини қўйди Юртбошим!

... Хар тонг пойимизга нур тўшар куёш,
Дилларни уйғотар Хурлик баҳори,



Чечаклар кулгуси тошларга талош,
Қушлар сайроғида Тинчлик алёри...

Зарифа ЭРАЛИЕВА,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси

Аждодлар изидан бошланган ҳар бир сафар аслида ўзлик сари ташланган қадамдир. Тарих нафақат архив ва қўлғиналарда, балки буюк сиймолар қадам босган масканларда, улар нафас олган муҳитда ҳам яшайди. Шоир ва публицист Шаҳриёр Шавкатнинг “Хиротга, бобомнинг ҳузурига!” китоби ана шу ҳақиқатни бадиий-публицистик талқинда очиб берувчи, китобхонни тарих билан юзма-юз учраштирувчи асар сифатида майдонга чиқди.

ҚАДАМЖОЛАРДА ҚОЛГАН ТАРИХ САДОЛАРИ

▼ Тақдимот



Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида ўтган китоб тақдимоти миллий тарих, маънавият ва адабий мерос ҳақида теран мушоҳадаларга бой мулоқот майдонига айланди.

“Жадид кутубхонаси” руҳи остида нашр этилган ушбу сафарнома оддий саёҳат таассуротлари эмас. Унда муаллифнинг Афғонистонга сафари давомида кўрган-кечирганлари тарихий манбалар, бадиий кузатув ва публицистик таҳлил билан уйғунлашиб, китобхонга ўтмиш ва бугун ўртасидаги ўзвий боғлиқлигини ҳис этиш имконини беради.

Асарда Ҳирот, Балх, Мозори Шариф, Қобул, Ғазни ва Тахор каби қадимий дидларга оид кузатишлар

жамланган. Бу масканлар туркий ва ислом тамаддуни тараққиётида алоҳида ўрин тутган тарихий маконлар сифатида талқин этилади. Муаллиф улуғ аждодларимиз изларини излар экан, тарихнинг тирик гувоҳлари бўлган обидалар, макбаралар ва қадамжолар орқали ўқувчини чуқур мушоҳадага чорлайди.

Китоб саҳифаларида Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Мавлоно Лутфий, Бобораҳим Машраб ва Абу Райҳон Бериий каби алломалар ҳаёти билан боғлиқ тарихий масканлар ҳақида батафсил ҳикоя қилинади. Тарихий фактлар муаллифнинг шахсий таассуротлари билан уйғунлашгани асарнинг бадиий таъсирчанлигини янада қучайтиради.

Тақдимот маросимида асарнинг ғоявий-бадиий қиймати, ёш авлоднинг миллий қадриятлар руҳида тарбиялашдаги ўрни, тарихий хотирани тиклаш ва аждодлар меросини чуқур ўрганишдаги аҳамияти алоҳида эътироф этилди.

Тадбирда “Жадид” газетаси бош муҳаррири, лойиҳа раҳбари Икбол Мирзо, Ўзбекистон Республикаси халқ ёзувчиси Хайриддин Султон, Ўзбекистон Фанлар академияси академиги Абдулла Аъзам, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Сирожиiddин Саййид, Республика Маънавият ва маърифат маркази раҳбари Отабек Ҳасанов, Алишер Навоий номидаги халқаро жамоат фонди ижрочи директори Олимжон Давла-

тов, Фанлар академияси

Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти директори ўринбосари Максуд Асадов, “Зиё” медиа маркази директори Абдулҳамид Мухторов ҳамда Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси директори Умида Тешабоева сўзга чиқиб, китобнинг тарихий, маърифий ва бадиий қиммати юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Таъкидланганидек, бугунги кунда ёшларни китоб мутолаасига жалб этиш, уларда миллий ўзлигини англаш, тарихий тафаккурни шакллантириш ва Ватанга садоқат туйғусини мустаҳкамлашда ана шундай асарлар муҳим аҳамият касб этади.



Адабий кеча доирасида муаллиф билан ижодий учрашув ҳам ташкил этилди. Китобхонлар сафарноманинг яратилиш тарихи, Афғонистондаги кузатувлар, тарихий масканлар билан боғлиқ таассуротлар ва асарда ёритилган воқеалар юзасидан ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар.

Тадбир давомида янграган шеъринг чиқишлар ва адабий мушоҳадалар кечага ўзгача руҳ бағишлади. Буюк аждодларимизнинг илм-фан ва адабиёт ривожига қўшган улкан ҳиссаси ҳақидаги фикрлар йиғилганларда тарихий хотира ва миллий ғурур туйғуларини янада мустаҳкамлади.

Аждодлар излари қолган муқаддас масканларга чорловчи ушбу сафарнома китобхонни тарихни шунчаки ўқишга эмас, уни ҳис этишга, миллий ўзлиги ва маънавий илidlзлари ҳақида чуқуროқ мушоҳада юритишга ундайди.

Меҳридин ИБРАГИМОВ,
“Тошкент ҳақиқати” мухбири

Шеър кўп, аммо...

Бир вақтлар адабиётшунос олим Озод Шарафиддинов замонавий ўзбек шеърини ҳақида куюниб шундай савол қўйган эди: «Нега бугунги шеъримизда ўртамеъначиллик кучайиб кетяпти? Негача бир-бирига ўхшаб кетадиган эгизак шеърлар сони ортиб борапти? Негача шеърларда олам тор, ҳаёт нафаси заиф, китобийлик кучли?»

Орадан йиллар ўтган бўлса-да, бу саволлар ҳали-ҳамон ўз аҳамиятини йўқотган эмас.

▼ Мулоҳаза

Шеърнинг туғилиш ватани – юрак. Унда шоирнинг изтироби, дарди, ҳаёт ҳақидаги кузатувлари ва қалб ҳарорати мужассам бўлмаса, шеър ўқувчига таъсир қилмайди. Истеъдод билан бир қаторда ижодкорнинг кенг тафаккури, бой тасаввур ва сўзга масъулият билан муносабати ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Абдулла Қаҳҳорнинг «Гулибору, меваси йўқ дарахт» деган таъбири айрим шеърларга нисбатан ҳам айтилгандек туюлади. Чунки бугун шеърлар сони кўпайгани билан, уларнинг барчаси ҳам бадиий юксакликка эришадигани йўқ.

Айниқса, ижтимоий тармоқларда ҳар кун ўнлаб шеърлар эълон қилинмоқда. Афсуски, уларнинг кўпчилигида бадиий мушоҳада, образли фикр ва шеъринг кашфиёт етишмайди. Баъзан ҳатто оддий имло ва услубий хатолар ҳам кўзга ташланади. Натижада бундай шеърлар тез тарқалади, аммо худди шундай тез унутилади.

Холбуки, ҳақиқий ижод сабр ва машаққатни талаб қилади. Абдулла Орипов «Онажон» шеърини ёзишдан аввал узоқ вақт руҳий тайёргарлик кўргани маълум. Абдулла Қаҳҳор эса «Бемор» ҳикоясини ўттиз марта қайта ишлаб, шундан кейингина чоп эттирган. Бу мисоллар устозлар сўз санъатига нақадар юксак масъулият билан ёндашганини кўрсатади. Шу боис уларнинг асарлари вақт синовидан ўтди ва бугун ҳам китобхонлар меҳрини қозониб келмоқда.



Бугунги шеъриятда яна бир муаммо – айрим муаллифларнинг клиппларда ижро этиладиган қўшиқ учун ёзилган савияси паст матнларни ҳам илоҳий Шеър сифатида тақдим этаётганидир. Бундай асарларда миллий руҳ, ҳайрат, қалбни уйғотувчи образ ва чуқур маъно кўпинча етишмайди.

Халқ шоири Эркин Воҳидов бежизга: «Агар шоир бўлсак, ўқувчиларнинг юзига қараганда уялмайдиغان мукамал шоир бўлайлик. Халқимиз зукко халқ, олтин билан миснинг фарқини билади», – демаган. Алишер Навоий эса «Ҳайрат ул-аброр» достонида ҳақиқий шеър мезонини шундай белгиллаган: «Ҳам яхши шаклга эга бўлган, ҳам гўзал маъно асосига қурилган шеър – ҳақиқий шеър».

Бу ҳикматлар бугун ҳам ўз қимматини йўқотган эмас. Чунки ҳақиқий шеър қалбдан туғилади, меҳнат билан сайқал топади ва вақт синовидан ўтади.

Бугун шоирлар кўп. Аммо ҳақиқий шеърятга хизмат қилаётган, ўқувчи қалбидан из қолдираётган шеърлар қанча?

Ана шу савол ҳар бир ижодкорни уйлантириши лозим.

Султонбой ДЕҲҚОНОВ,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси

TOSHKENT HAQIQATI
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Muassis:

TOSHKENT
VILOYATI
HOKIMLIGI



“Toshkent haqiqati” va
“Tashkentskaya pravda” gazetalarini
tahrir hay'ati:

Zoyir MIRZAYEV (tahrir hay'ati raisi),

Abdusamad NOSIROV, G'afurjon MUHAMEDOV,
Sayyora FAYZIYEVA, Abduvosit ABDURAZZOQOV,
Mahmud TOIR, Azamat MIRZAYEV,
Uskenboy ATEMOV, Abdulla XURSANOV,
Otabek SULTONBEKOV, G'ayrat SHERALIYEV,
Kumush EGAMBERDIYEVA,
Olimjon BEGALIYEV, Sergey MUTIN

Bosh
muharrir:
To'xtamurod
HASANBOYEV

Mas'ul kotib:
Alloma AZIZOVA

Toshkent viloyati Axborot va ommaviy
kommunikatsiyalar boshqarmasida
2011-yil 12-yanvarda
03-001 raqami bilan
ro'yxatga olingan.



Qabulxona: (55) 520-64-95. Bosh muharrir o'rinbosari: (55) 520-04-10.

Mas'ul kotib: (55) 520-05-10. Bo'lim muharrirlari: (55) 520-06-20, (55) 520-04-20.

E'lonlar va hisob-kitob bo'limi: (55) 520-21-20.

e-mail: toshkenthahqiqati@umail.uz

Gazeta “Toshkent haqiqati” tahririyati kompyuter markazida terildi va Tohir Mahmudxo'jayev tomonidan sahifalandi. Haftaning chorshanba va shanba kunlari chiqadi.

Manzil: 111500, Nurafshon shahri, Toshkent yo'li ko'chasi, 90. Toshkent shahridagi ofisimiz: Bektemir tumani, Ittifoq ko'chasi, 2. ISSN 2010-9318.

Bosishga topshirish vaqti – 20:00. Bosishga topshirildi – 21:00. Nashr ko'rsatkichi – 205.
7 764 nusxada chop etildi. Hajmi – 2 tabaq. Buyurtma G-735.

Ofset usulida bosildi. Qo'g'oz bichimi A–2. Bahosi kelishilgan narxda.

«SHARQ»

nashriyot-matbaa
korporatsiya

aktsiyadorlik
kompaniyasi

bosmaxonasida
bosildi.

Korxona manzili:

Toshkent shahri,

Buyuk Turon

ko'chasi, 41-uy.